

## МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ КУРСАНТЛАРНИ КАСБИЙ ОНГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Ergashev Elyor Urdushevich,  
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xayfsizligi  
Universiteti mustaqil izlanuvchisi*

**Аннотация:** мақолада ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини, ўқув фанларини ўқитишнинг назарий ва методик даражасини мунтазам равиша ошириш, таълим ва тарбияни хизмат вазифалари билан уйғунлаштириш масалалари, ҳарбий касбий онг, ўз навбатида, ҳарбийнинг профессионал бўлиб шаклланишига хизмат қилувчи омиллар ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий касбий онг, ўқув-тарбия жараёни, ҳарбий педагогика, малакали мутахассис, мустақил таълим, лаборатория, асосий босқич.

Ҳарбий-касбий онг, ҳарбийлик фаолияти бошланиши билан шаклланади, ундан олдинги фаолиятларида шахсларда касбий онгнинг элементлари пайдо бўла бошлади. Ҳарбий-касбий онг, онгнинг бошқа турларидан кескин фарқ қиласди, чунки касб ўзига хос жарайон муҳим бўлиб, бўлиш ҳар кимга насиб этмайди. Ҳарбий касб эгаси бўлиш учун энг аввало соғлом, довюрақ, чиникқан, иродали, ватан туйгуси барча нарсадан афзал бўлиши лозим. Ҳарбийларнинг оиласи, иш жойи, фарзандлари бу билан боғлиқ бўлса, шундагина ҳарбий шахс касбнинг фидойиси ҳисобланishiади.

Ҳарбийнинг касбий онгини унинг турмуш тарзи белгилайди. Таҳлил, мулоҳаза, тафаккур қилиш орқали касбнинг пайдо бўлиши ўша касб ҳақида муомала илдизини (генезиси) юзага келтиради, ҳар бир касб эгасининг касбий фаолиятида шакллантирадиган сўзлари, бошқа бир касб эгасининг касбий муомаласига тўғри келмайди<sup>1</sup>. Ушбу фикрлар исбот талаб қилмас далиллар ҳисобланади. Касб рус тилида “профессия” (лот. профессион – “ўзимнинг ишим”) маъносини англатади. Шунинг учун ҳам «касбий онг» «ишга оид онг» маъносида изоҳланади. Бизнингча, касбий онгнинг механизмини (юритувчи маъносида) маҳсус терминлар, сўзлар, иборалар ташкил этади. Ҳарбий касбий онг, ўз навбатида, ҳарбийнинг профессионал бўлиб шаклланишига хизмат қиласди. Дарс жараёнида касбий онг такомиллаштирилади. Касбий онгнинг мазмуни таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу термин икки сўз, Яъни касб+онгдан иборат. Дарс жараёнида касбий онг шаклланар экан, аввало, дарсни курсантларга ким ўтаётгани, унинг мутахассислиги, педагогик тажрибаси, педагогик маданияти, кўниумаси, малакасига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги сир эмас.

Шу ўринда психолог олим С.Л.Рубинштейннинг “Биз ўқитиш орқали тарбиялаймиз, тарбиялаш орқали ўқитамиз”<sup>2</sup> деган фикри ҳали ҳам психология ва педагогика соҳасида ўз долзарблигини йўқотган эмас. Таълим жараёни маълум бир муассаса, ташкилотда олиб борилади ҳамда тарбиянинг мазмуни ва

<sup>1</sup> Maxmudov R.M., Karimova B.N. Kasbiy muomalaning genezisi // Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarining muomala madaniyatini takomillashtirish, uning nazariy va amaliy jihatlari. Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami. T.X.I. – Toshkent: 2021, –B. 132-137.

<sup>2</sup> Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СП.б., 2006 стр 71.

моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Тарбия таълим жараёнидан ташқарида ва таълим жараёни вақтида амалга оширилади. Ҳарбий касбий онгни дарс жараёнида ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзаро уйғунлиги нуқтаи назардан ўрганар эканмиз, ушбу жараён фақат ҳарбий олий таълим муассасаларида ўқиш давридагина олиб борилар экан, ундан кейинги даврлардаги билимлар эпизодик характердаги билим олиш жараёнлари ҳисобланади.

Ҳарбий педагогикада “таълим” тушунчасининг асосини икки томонлама жараён, яъни ўқитиш ва билим олишнинг мазмуни ташкил этади. Ўқитиш жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади: таълим фаолияти психологияси, ўқув фаолияти психологияси ҳамда психологик ва педагогик фаолият, яъни таълим оловчи ва тарбияланувчига ўзаро ҳамкорликда таъсир этиш. Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларнинг ҳарбий-касбий онгини ривожлантириш педагогик жараён сифатида назарий ва амалий дарсларнинг уйғунлиги асосида олиб борилади ва унга қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Ҳарбий касбий онгни ривожлантириш – бошқариладиган ва ўзаро ҳамкорлик асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва шахснинг маънавий бой фазилатларини ривожлантиришга қаратилган фаолият, таълим оловчи ва таълим берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатга асосланади”.

Тадқиқот жураёнида шу нарса маълум бўлдики, ушбу ўзига хосликлар ҳарбий хизматчи ходимларнинг хизмат мажбуриятлари ва жамоат тартибини сақлашда шахсий, касбий жавобгарликни чукур ҳис этишларида педагогик жараёнларнинг шундай сифатларини ривожлантиришга йўналганлиги билан белгиланар экан.

Кўп йиллик педагогик фаолиятидаги бевосита қузатишларидан маълум бўлдики, қонун ва қонунларни билиш муайян принциплар шаклида педагогик жараённи тизимли бошқаришни илмий асосда амалга оширишда акс этади. Педагогик жараённинг таркибий қисмлари бир-бири билан бевосита ва билвосита боғланган бўлади. Чунки, акс ҳолда тарбияда узилиш пайдо бўлиши мумкин.

Ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини, ўқув фанларини ўқитишнинг назарий ва методик даражасини мунтазам равища ошириш, таълим ва тарбияни хизмат вазифалари билан уйғулаштириш ҳам давр талабидир.

Хукуқни муҳофаза қилиш идораларининг илғор тажрибаларидан фойдаланиш мутахассислар тайёрлаш сифатини доимий равища ошириб боради<sup>3</sup>. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг кафедраларида ўқитишнинг маъруза, семинар, амалий, мустақил таълим, лаборатория ва ўқув режасида назарда тутилган барча турларни, олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мос ҳолда юқори назарий, ўқув-методик даражада ўтказади ва курсантларнинг мустақил тайёргарлик соатлари кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича самарали олиб борилишини таъминлайди.

“Курсантларни ҳар томонлама ривожланган, бурчига содик, ўз Ватанининг

<sup>3</sup> Institut boshlig‘ining O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik institutining kafedralari hamda o‘quv jarayonini tashkillashtirish va muvofiqlashtirish bo‘limi to‘g‘risidagi nizomlarini tasdiqlash haqidagi buyrug‘i. 2018-yil 26-fevraldag‘i 3-son bayonnoma.

фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги масъулиятини ҳис қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, юрт келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи шахслар этиб шакллантиради”<sup>4</sup>.

### 1-расм

Бўлғуси офицерлар сифатида курсантлар мукаммал профессионал билимларга эга бўлишлари керак, чунки офицерларга давлат, ватан ҳимояси ишониб топшириб қўйилганини уларнинг ўзлари яхши англайдилар. Бўлғуси офицер тарбиячи, раҳбар, ташкилотчи шахс ҳисобланади.

#### OLIY HARBIY TA'LIM MUASSASALARIDA KASBIY PEDAGOGIK JARAYONNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

Aniq va keng maxsus yo‘nalish bo‘yicha nazariy va amaliy ta’lim olayotgan kursantlarni ta’lim va tarbiyaviy maqsad hamda vazifalarni qo‘shgan holda kasbga tayyorlash

Ta’lim jarayonining o‘ziga xos tomonlarini nazarda tutish

Harbiy mutaxassislarni tayyorlashda nazariy ta’limni amaliy ishlar (darslar) bilan uyg‘unlikda olib borish

Bo‘lg‘usi ofitser mutaxassislarni o‘qitish va tarbiyalashda ko‘p qirrali, aniq maqsadli tarbiya va ta’limning samarali usul va uslublaridan foydalanish, mutaxassislar tayyorlashda ta’limning nazariy va amaliy ishlar bilan birga qo‘shib olib borilishi

Kursantlar o‘quv dasturi materiallarini nazariy va amaliy jihatdan o‘zgartirishlarida mutaxassisliklariga e’tibor berish (professor-o‘qituvchilar rahbarligida mustaqil ta’lim va mustaqil ishda keng qamrovli usullardan foydalanish)

Kursantlarning dars jarayonida nazariy va amaliy jihatdan bilimlarni o‘zlashtirishlarini tekshirish va baholashning o‘ziga xosligi

Kursantlarning bo‘lg‘usi kasbiyni xarakterini, tarbiya jarayonining o‘ziga xos tomonlarini hisobga olib shakllantirish

Курсантлар олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишлиари даврида қўйидаги усуллар орқали билим олишади. Маъруза, мунозара, амалий машғулот, мустақил таълим, мустақил тайёргарлик ва ҳ.к. Лекин бу олинган билимларни мустаҳкамловчи мустақил тайёргарликдир. Чунки, маъруза ва мунозара

<sup>4</sup> Institut boshlig‘ining O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik institutining kafedralari hamda o‘quv jarayonini tashkillashtirish va muvofiqlashtirish bo‘limi to‘g‘risidagi nizomlarini tasdiqlash haqidagi buyrug‘i. 2018 yil 26 fevraldag‘i 3-son bayonnoma.

дарсларида ҳамма билимлар профессор-ўқитувчилар томонидан берилишининг имкони йўқ, чунки ўқув дастуридаги маълумотлар чегараланган. Мустақил тайёргарлик, энг аввало, маърузада, мунозарада курсантлар олиб улгурмаган билимларга мустақил тайёргарлик соатлари орқали маҳсус адабиётлар, кўшимча адабиётлардан фойдаланишлари орқали билимга эга бўладилар.

Мустақил тайёргарлик жараён сифатида касбий онгни ривожлантиришнинг ўқув-тарбиявий ишларни бойитишга хизмат қилади. Курсантларнинг мустақил тайёргарлиги фактат унинг тайёргарлиги шаклида эмас, мазмунида ҳамда мустақил таёргарликнинг мазмuni унинг шаклини (Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Умумҳарбий низомларни ўқиш, қандай ўқиш, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, қилмаслигини) белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида ўқитиладиган деярли барча фанлар бўйича курсантларнинг мустақил тайёргарлик дарсларида фойдаланиш учун ҳуқук, маҳсус, ижтимоий фанлар бўйича масала ва машқлар тўплами, қўлланмалар тўплами давлат тилида етарли ададда нашрдан чиқарилди ва мустақил тайёргарлик соатларида фойдаланилмоқда.

Мустақил тайёргарликнинг тўғри ташкил этилиши ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўлими, саф қисми офицерлари, профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ бўлади ва ўқув дастуридаги мавзуулар устида тўлиқ ишлашлари учун имкон беради.

Курсантларнинг мустақил тайёргарлиги ва уни олиб бориш муаммолари ўтган асрнинг 70-йилларида педагог, психолог ва сотсиологларининг ўрганиш обьектига айланган эди, лекин бугунги кунга келиб эса курсантларнинг мустақил тайёргарлиги муаммо сифатида республикамиз педагог, психолог олимлари томонидан монография даражасида ўрганилмаган, ўрганилганлари ҳам мақола, рисола шаклида бўлган, қолаверса, мазмuni анча эскирган.

Шунга қарамай, ҳарбий педагогика ва психология фанларида мустақил тайёргарликка турлича таъриф берилган. Масалан, Й.А.Нустов мустақил тайёргарликка қўйидагича таъриф берган: “Мустақил тайёргарлик – бу фаолият, Яъни ўқув жараёнида педагоглар ва уларнинг ёрдамисиз курсантлар ўз устларида ишлайдилар”<sup>5</sup>.

Профессор А.А.Порошинанинг қўйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: “Кўпчилик курсантларнинг ўз устларида ишлаш малака, қўнималари, тизими мавжуд эмас экан, мустақил тайёргарлик курсантларнинг ўз устида ақлий ишлашига ёрдам берадиган жараён ҳисобланади”<sup>6</sup>. Ушбу фикрлар бувосита ва билвосита касбий онгни ривожлантиришга хизмат қилади.

А.В.Барабаншиков ва Б.П.Корочкинлар мустақил тайёргарликни курсантларнинг чуқур билим олишини таъминловчи асосий усул<sup>7</sup> деб қарашган. Биз ушбу фикрга қўшила олмаймиз, чунки курсантлар маъруза, мунозара дарс жараёнларида ололмаган билимларини, мустақил тайёргарлик дарсларида

<sup>5</sup> Нустов Ю.А. Преемственность в системе подготовки технических специалистов: – Саратов: 1982. – С. 98.

<sup>6</sup> Порошина А.А. Педагогическая система формирования у курсантов военно- учебных заведений готовности к активной самостоятельности работе. Дисс. канд. пед. наук: – Саратов: 2000. – С. 74.

<sup>7</sup> Барабанников А.В., Корочкин Б.П. Научно – педагогические основы повышение эффективности самостоятельной работы // организация и методика самостоятельной работы студентов // Материалы всероссийской научно-практической конференции. –: 1989. – С.240.

тўлдириб, бойитиб борадилар. Бошқача айтганда, асосий билимлар дарс жараёнида олинса, мустақил тайёргарлик жараён сифатида курсантларнинг нафақат касбий билимини тўлдиради, мустаҳкамлайди, шунингдек, уларнинг касбий билимлари шаклланиши ва янада бойитишига ёрдам беради.

Бугунги кунга келиб ҳарбий педагогика ва психология фанида мустақил тайёргарликни ташкил этишнинг ўзига хослиги: курсантларнинг касбий жиҳатдан ривожлантиришни тўғри йўлга қўйиш, жамоани бошқарув ва мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш, педагогика ва психологиянинг шахс тарбиясидаги роли, ўрни, аҳамиятини ўргатиш, иш юритиш, буйруқни бажаришини назорат қилишни ўргатиш зарурлиги тадқиқот доирасида кўрилди, аниқланди.

Мустақил тайёргарликнинг мазмуни, бизнингча, бешта асосий босқични ўз ичига олади, булар, энг аввало, фаннинг ўқув дастури ва режаси асосида ишлаш, ўз устида мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш, ҳарбий-касбий онгни ривожлантириш; ўз фаолиятини назорат қила олиш, зарур пайтларда профессор-ўқитувчилар томонидан мустақил тайёргарликни назорат қилиш.

Курсантларнинг мустақил тайёргарлигининг натижалари қачон ва қайси шаклларда амалий фаолиятида намоён бўлади, деган саволга қўйидагича жавоб амалий фаолиятдан олинди, аниқланди ва қўйидаги хulosага келинди:

а) Касбий билимларга мустаҳкам эга бўлганда;

б) Касбий маданиятнинг таркибий қисмларига эга бўлганларида (хуқукий, этик, коммуникативлик, ижодий, экологик). Ҳарбий олий ўқув юртларида курсантларнинг мустақил тайёргарлиги учун уч соат вақт ажратиласида ва бу вақт ичида курсантлар кутубхоналар (умумий ва маҳсус), кафедралар, интернет синкларда ишлашга улгуриши зарур ва шартdir.

Олий ҳарбий таълим муассасаларини тугатган офицерлар ўқиши даврида мустақил тайёргарлик ишлари билан шуғулланишмаса, ўз устида мустақил ишламаган бўлишса, амалийотни касбий фаолиятида қийин бўлади, чунки уларда малака, кўникма шаклланган бўлмайди.

Бугунги кунга келиб ўқув режасида мустақил таълим соатлари улушкини ошириш, курсант ва талабаларнинг мустақил таълим олиши, танқидий ва ижодий фикрлашига йўналтирилган тизимни таҳлил қилиш, ўқув жараёнида компетенсияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнининг амалий кўникмаларини шакиллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий этиш масалаларига тўхтаб ўтилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махмудов Р.М., Каримова Б.Н. Касбий муомаланинг генезиси // Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг муомала маданиятини такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий жиҳатлари. Республика миқёсидағи илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т.Х.И. – Тошкент: 2021, –Б. 132-137.
2. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СП.Б., 2006 стр 71.
3. ҲТИ бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг кафедралари ҳамда ўқув жараёнини ташкиллаштириш

ва мұвоғиқлаштириш бўлими тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи. 2018-йил 26-февралдаги 3-сон баённома.

4. Нустов Ю.А. Преемственность в системе подготовки технических специалистов: – Саратов: 1982. – С. 98.
5. Порошина А.А. Педагогическая система формирования у курсантов военно-учебных заведений готовность к активной самостоятельности работе. Дисс. канд. пед. наук: – Саратов: 2000. – С. 74.
6. Барабанников А.В., Корочкин Б.П. Научно – педагогические основы повышение эффективности самостоятельной работы // организация и методика самостоятельной работы студентов // Материалы всероссийской научно-практической конференции. –: 1989. – С.240.